

**PhD Нормўмин Мавланов**  
Тошкент молия институти

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ КРЕДИТГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СКОРИНГ МОДЕЛИ**

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг скоринг модели ишлаб чиқилди ва ушбу модельнинг афзалларини кўрсатиб берилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели молиявий кўрсаткичлар (ликвидилик кўрсаткичлари, баланс ликвидилиги, таъминланганлик кўрсаткичлари, самарадорлик кўрсаткичлари, барқарорлик кўрсаткичлари ва Альтман модели) ва номолиявий кўрсаткичлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлиқ даражаси, бизнес обрўси) асосида баҳолаш ҳақида сўз боради.

**Таянч сўзлар.** Кредитга лаёқатлилик, объектив омиллар, бозор коньюктураси, кредит риски, кредит рискини пасайтириш, молиявий кўрсаткичлар, номолиявий кўрсаткичлар, скоринг модели.

**PhD Normumin Mavlanov**  
*Tashkent Institute of Finance*

## **SCORING MODEL FOR ASSESSMENT OF CREDITWORTHINESS OF AGRICULTURAL ENTERPRISES**

**Abstract:** The article focuses on the specifics of assessing the creditworthiness of agricultural enterprises. Based on the sectoral nature of agricultural enterprises, a scoring model for assessing creditworthiness has been developed and the advantages of this model have been demonstrated. The scoring model for assessing the creditworthiness of agricultural enterprises includes financial indicators (liquidity indicators, balance sheet liquidity, security indicators, efficiency indicators, stability indicators and Altman model) and non-financial indicators (total credit history, credit supply, project realism, product competitiveness, business reputation) in order to evaluate the creditworthiness.

**Keywords:** creditworthiness, objective factors, market conjuncture, credit risk, credit risk reduction, financial indicators, non-financial indicators, scoring model

### **Кириш**

Ер юзида миллионлаб одамларни ҳаётдан олиб кетган коронавирус пандемияси ва унинг оқибатида келиб чиқсан глобал иқтисодий инқироз ҳануз давом этмоқда. Пандемия қачон тугайди ва ундан кейинги ҳаёт қандай бўлади – буни ҳеч ким олдиндан башорат қилолмайди[1].

Жаҳонда кечеётган пандемия таъсирида иқтисодий инқироз республикамиз иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундай шароитда аҳолини бирламчи зарур маҳсулотлар билан таъминлаш асосий долзарб вазифага айланади. Айниқса аҳоли учун бирламчи зарур маҳсулотларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этади. Шундан келиб чиқиб қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида фаолиятнинг ўзвий давомийлиги молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ўз

вақтида қондирилиши билан боғлиқдир. Ҳозирда қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий ресурсларга эҳтиёж сезганда асосан ушбу эҳтиёжларни банк кредитлари ҳисобига қондириб келмоқда. Тижорат банклари томонидан 2020 йилда жами 276 975,0 млрд. сўм кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 28 081,0 млрд. сўм қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган. Бу кўрсаткич 2021 йилда жами кредит ҳажми 326 386,0 млрд. сўм бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига 35 022,0 млрд. сўм ажратилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредитлар ҳажми 2021 йил 2020 йилга нисбатан 24,7 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин[2]. Бу эса қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан банк кредитларига бўлган эҳтиёжнинг ошаётганлиги ушбу соҳада кредит рискларини пасайтириш зарурлигини тақоза этади. Тижорат банклари кредит сиёсатидан келиб чиқиб, банк кредитлари жалб қилиш маълум бир мезон талабларига жавоб бериш заруриятини келтириб чиқаради. Тижорат банкларининг мезон талаблари асосан кредит рискини минималлаштиришга қаратилган. Бунда тармоқ хусусиятига катта эътибор қаратилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш керак, бу таҳлил натижаларини тўғри баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

### **Адабиётлар шарҳи**

Мавзуга оид адабиётлар шарҳига тўхталашибган бўлсак. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш бўйича Молиявий ҳолатнинг турли ҳил талқинлари (Жамбекова Р.Л., 2012) [3], Компания ва ташкилотларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили (Ендовицкий ва бошқ., 2016) [4], Қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш (Ендовицкий ва бошқ., 2016)[5], Корхоналарнинг молиявий таҳлили (Лиференко, 2005)[6], Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш (Наумченкова, 2016)[7], Банк иши (Абдуллаева, 2017), Банк иши (Азизов ва бошқ., 2016), Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатини таҳлили (Рахимов, 2015)[8], Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш (Маматов ва бошқ., 2016)[9] илмий татқиқотларида мавзунинг долзарблиги, назарий жиҳатлари, хориж тажрибаси, амалдаги тартиби атрофлича ёритиб берилган бўлсада, қишлоқ хўжалик корхоналарининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб кредитга лаёқатлилиги таҳлил қилинмаган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш модели (Патласов ва бошқ., 2013)[10] илмий мақоласида қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашни коэффициентлар усулини, яъни 6 та коэффициент асосида баҳолаш моделини тавсия этган. Коэффициентлар усули асосан корхонанинг молиявий жиҳатларига баҳо беради. Бунда коэффициентлар тугалланган давр кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини баҳолайди, аммо кредит келгуси давр учун ажратилади. Илмий мақолада эътибор қаратилиши зарур жиҳатлари:

- кредитга лаёқатлилик молиявий кўрсаткичлар асосида баҳоланган, яъни 6 та коэффициент корхонани молиявий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилиш имконини бермайди;

- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда номолиявий кўрсаткичларга эътибор қаратилмаган;

- кредитга лаёқатлиликни баҳолашда перспектив таҳлил амалга оширилмаган;

- коэффициентлар усулини меъёр даражаси ва тезкор ҳисоблаш имконини берадиган такомиллаштиришган дастур ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиласидан бўлсак, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қуидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб кўрсаткичлар танлашга;

- нафақат молиявий жиҳатларига балки номолиявий жиҳатларига ҳам эътибор қаратишга;

- кредит келгуси давр учун ажратилишини ҳисобга олиб перспектив таҳлилни амалга ошириш.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотимиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш, статистика ва жадваллар ёрдамида таҳлил ишлари олиб борилган, ундаги натижалар асосида аниқ хулоса ва таклифлар баён қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини аниқ ва ишончли баҳолаш ушбу соҳанинг янада барқарор ривожланишига ва тижорат банкларининг кредит рискини пасайтиришга олиб келади. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тармоқ хусусиятини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг тармоқ хусусиятини қуидаги гурӯҳларга ажратамиз:

Объектив омиллар - қишлоқ хўжалик корхоналарига хос ва уни бошқа тармоқлардан ажратиб турадиган омиллардир.

Бозор коньюктураси ва ички бозор омили – бу бозор иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти бўлиб, у мавжуд бўлган бозор шароитлари ва умуман иқтисодиётнинг ҳолати билан изоҳланади.

Объектив омилларга қуидагилар киради:

1. Иқлим шароити. Иқлим омилларини тартибга солишининг имкони йўқлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бекарор ва ҳавфли соҳасидир, бу эса инвесторларни жалб қилишни қийинлаштиради. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига

иккала омил ҳам таъсир қиласы:

- иқтималдар (дүл, қурғоқчилік, ёмғир, сув тошқини ва бошқалар);
- табиий оғатлар (тұғонлар, бүрөнлар, күчкілар ва бошқалар);

Юқоридаги иккала ҳолат ҳам қишлоқ хұжалик корхоналарида молиявий ресурслар жалб қилишда ҳосилни сұгурталаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу эса хұжалик юритувчи субъектнинг ҳаражатларини күпайишига замин яратыб беради.

2. Биологик омил. Қишлоқ хұжалик корхоналарида яратыладыган маңсулот бошқа тармоқтарға нисбатан секинроқ бўлади, чунки асосий ва айланма маблағларда ўз ҳаёт циклига эга тирик организмлар иштирок этади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тирик организмларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш омилларни иқтисодий фаолият натижаларига таъсирини ўлчашни мураккаблаштиради.

Бозор коньюктурасини таҳлил қилишда асосий таъсир этувчи омиллар қуйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хұжалик маңсулотига талаб ва таклиф;
- қишлоқ хұжалик маңсулотлари ва уни сотиш имкониятлари(ички бозор ва экспорт);
- нархларнинг ички бозор ва экспортдаги ҳолатлари;
- ахолининг харид қобилиятини ўзгариши.

Қишлоқ хұжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобға олиш керак, бу таҳлил натижаларини тұғри баҳолаш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда аниқ ва тезкор баҳолаш имконини берувчи моделлардан бири кредит скоринг моделидир.

Кредит соҳасига қизиқиши ортиб бораётгандығы натижасыда кредит скоринги мухим компонент сифатида ишлаб чиқылди [11].

Кредит скоринги – бу кредит миңозлари томонидан тұловларни қайтариш әхтимолини бағдарлап қилиш учун статистик методологиядан фойдаланиладыган әмпирік услугеді[12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хұжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг қуйидаги скоринг моделинин тавсия этмоқчимиз:

Қишлоқ хұжалик корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели иккита мухим жиҳатта молиявий ва номолиявий күрсаткічлар асосыда 5 та синфга ажратып орқали баҳолаш имконини беради:

1. Молиявий күрсаткічлар (ликвидлилық күрсаткічлари, баланс ликвидлилиги, таъминланғанлық күрсаткічлари, самарадорлық күрсаткічлари, барқарорлық күрсаткічлари ва Альтман модели) асосыда баҳолаш;

2. Номолиявий күрсаткічлар (умумий кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарнинг рақобатбардошлиқ даражаси, бизнес обрўси) асосыда баҳолаш.

Қишлоқ хұжалик корхоналарнинг кредитта лаёқатлилигига баҳо беришда

умумий 200 балл асосида молиявий күрсаткичларга 100 балл ва номолиявий күрсаткичларга 100 балл ажратиласы.

**Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига молиявий кўрсаткичлар асосида баҳолаш<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар номи	Балл тақси-моти	Кредитга лаёқатлилиги бўйича синжалрга ажратиш									
		Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл	Меъёри	балл
		1-синф		2-синф		3-синф		4-синф		5-синф	
<b>1. Корхона ликвидлик кўрсаткичлари:</b>	15		15		12		9		6		0
Жорий ликвидлилик коэффициенти	5	2<	5	2>Jlk>1,5	4	1,5>Jlk>1	3	1>Jlk>0,5	2	Jlk<0,5	0
Тез ликвидлилик коэффициенти	5	1,25<	5	1,25>Tlk>1	4	1>Tlk>0,75	3	0,75>Tlk>0,5	2	Tlk<0,5	0
Мутлоқ ликвидлилик коэффициенти	5	0,75<	5	0,75>Mlk>0,5	4	0,5>Mlk>0,25	3	0,25>Mlk>0,1	2	Mlk<0,1	0
<b>2. Баланс ликвидлиги таҳлили</b>	20	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5	20	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 битта шарт бажарилмаса	15	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 иккита шарт бажарилмаса	10	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 учта шарт бажарилмаса	5	A1>P1 A2>P2 A3>P3 A4>P4 A5<P5 умуман шарт бажарилмаса	0
<b>3. Маблағлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари:</b>	15		15		12		9		6		0
Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	5	O'ztk >0,5	5	0,5> O'ztk >0,2	4	0,2> O'ztk >0,1	3	0,1> O'ztk >0,05	2	O'ztk <0,05	0
TMЗ билан таъминланганлик коэффициенти	5	TMZtk >0,8	5	0,8> TMZtk >0,6	4	0,6> TMZtk >0,5	3	0,5> TMZtk >0,1	2	TMZtk <0,1	0
Кредитларнинг таъминланганлик коэффициенти	5	Ktk >5	5	5> Ktk>4	4	4> Ktk>2	3	2> Ktk>1	2	Ktk<1	0
<b>4. Корхона фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили:</b>	15		15		12		9		6		0
Жорий активлар рентабеллик кўрсаткичи	5	Jar>40%	5	40%>Jar>30%	4	30%>Jar>20%	3	20%>Jar>ID	2	Jar<ID (inflasiya darajasi)	0
Хусусий капитал рентабеллик кўрсаткичлари	5	Xkr>40%	5	40%>Xkr>30%	4	30%>Xkr>20%	3	20%>Xkr>ID	2	Xkr<ID (inflasiya darajasi)	0
Сотиш рентабеллик кўрсаткичи	5	Sr>40%	5	40%>Sr>30%	4	30%>Sr>20%	3	20%>Sr>10%	2	Sr<ID (inflasiya darajasi)	0
<b>5. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили:</b>	15		15		12		9		6		0
Мустақиллик коэффициенти	5	Mk>0,6	5	0,6>Mk>0,5	4	0,5>Mk>0,4	3	0,4>Mk>0,3	2	Mk<0,3	0
Карз ва ўз маблағлари ўртасидаги нисбат коэффициенти	5	0,2>QO'zk>0	5	0,4>QO'zk>0,2	4	0,5>QO'zk>0,4	3	1>QO'zk>0,5	2	QO'zk>1	0
Хусусий капитал харакатчаник коэффициенти	5	Xxk>0,5	5	0,5>Xxk>0,4	4	0,4>Xxk>0,3	3	0,3>Xxk>0,2	2	Xxk<0,2	0
<b>6. Альтман модели бўйича кредитга лаёқатлиликни баҳолаш</b>	20	Alm> 2,99	20	2,99>Alm>2,8	15	2,8>Alm>2,7	10	2,7>Alm>1,8	5	Alm<1,8	0
<b>Умумий балл</b>	<b>100</b>		<b>100</b>		<b>78</b>		<b>56</b>		<b>34</b>		<b>0</b>

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2-жадвал

Қишлоқ хұжалик корхоналарининг кредитта лаёкатлилигига номолиявий күрсаткичлар асосида бағолаш <sup>2</sup>		Bалл
Күрсаткичлар		
<b>Корхонанинг умумий кредит тарихи:</b>		
3 йилдан ортик муддатда банклар, жумладан міноз банкдан олинган кредиттарни ўз вактида ва түлиқ тұланған.	1 синф	20
3 йилгача муддатда банклар, жумладан міноз банкдан олинган кредиттарни ўз вактида ва түлиқ тұланған.	2 синф	15
Охирги уч йилда банклар, жумладан міноз банкдан кредит суммасини (асосий ва фойз) белгиланған муддатлардан кечикиб ёки қисман тұланған. Бирок кредит ва уннинг фойзлари түлиқ қайтарылған (бир ойтаса муддат ичіда).	3 синф	12
Охирги уч йилда банклар, жумладан міноз банкдан олинган кредит суммаси(асосий ва фойз) белгиланған муддатлардан кечикиб ёки қисман тұланған. Бирок кредит ва уннинг фойзлари түлиқ қайтарылған (бир ойдан ортик муддатда).	4 синф	9
Банклар, жумладан міноз банкдан олинган кредит суммасини (асосий ва фойз) түлиқ тұланмаганда.	5 синф	0
<b>Кредит таъминоти:</b>		
Таъминот замонавий, юкори ликвидли, етарли, әгалік ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий ахволи мутлоқ барқарор. Сұгурта полиси кредитни түлиқ қамраган ва түлиқ даврга олинған.	1 синф	50
Таъминот янғы, ликвидли, етарли, әгалік ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий ахволи барқарор. Сұгурта полиси кредитни 50%ини қамраган ва даврнинг 50% олинған.	2 синф	30
Таъминот 50%дан күп есқирған, ликвидли, етарли эмас, әгалік ҳуқуқи корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий ахволи барқарор. Сұгурта полиси кредитни 25% дан 50%гача қамраган ва даврнинг 25%дан 50%гача олинған.	3 синф	20
Таъминот есқи, ноликвид, етарли эмас, әгалік ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий ахволи нобарқарор. Сұгурта полиси кредитни 25% дан кам қисмени қамраган ва даврнинг 25%дан кам қисми олинған.	4 синф	10
Таъминот яроқсиз холатта келған, ноликвид, етарли эмас, әгалік ҳуқуқи бошқа корхонага тегишли. Кафилнинг молиявий ахволи банкрот олди ҳолатида. Сұгурта полиси кредитни 25% дан кам қисмени қамраган ва даврнинг 25%дан кам қисми олинған.	5 синф	0
<b>Лойиханнинг реаллiği:</b>		
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланған ахборот манбаларига зерттеу. Лойиханы амалга ошириш имконияти мавжуд; корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тұлашга етарли. Лойиханнинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиһатдан асосланған. Корхонада компетент ходимлар етарли.	1 синф	20
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва асосланған ахборот манбаларига зерттеу. Лойиханы амалга ошириш имконияти мавжуд; корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тұлашга етарли. Лойиханнинг бизнес-режаси иқтисодий ва амалий жиһатдан асосланған. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Күлай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитетінде оқори, доимий оқава сүв мавжуд.	2 синф	15
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келади ва етарли ахборот манбаларига зерттеу. Лойиханы амалга ошириш имконияти мавжуд; корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тұлашга етарли. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Күлай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитетінде оқори, доимий оқава сүв мавжуд.	3 синф	12
Банкнинг кредит сиёсати талабларига түлиқ мос келмайды ва етарли ахборот манбаларига зерттеу. Лойиханы амалга ошириш имконияти мавжуд; корхонанинг ижобий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тұлашга етарли бүлиши таваккалчиликка боелик. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Күлай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитетінде оқори, доимий оқава сүв мавжуд.	4 синф	9
Банкнинг кредит сиёсати талабларига мос келмайды ва етарли ахборот манбаларига зерттеу. Лойиханы амалга ошириш имконияти мавжуд; корхонанинг салбий молиявий натижаси ҳамда пул оқими ҳажми олинадиган кредит суммаси(асосий ва фойз) тұлашга етарли эмас. Корхонада компетент ходимлар сони етарли эмас. Күлай табиий шароит, ер майдонларининг балл бонитетінде оқори, доимий оқава сүв мавжуд.	5 синф	0
<b>Товарларнинг рақобатбардошлық даражасы</b>		
Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юкори, юкори құшымча қыймат ва оптималь баҳога зерттеу, оптималь харажат, сотиши сервиси яхши йўлга қўйилған, талаб юкори.	1 синф	5
Товарларнинг хилма-хиллиги, сифати юкори, сотиши сервиси яхши йўлга қўйилған, оптималь баҳо, диференцияланған харажат, талаб мавжуд.	2 синф	4

<sup>2</sup> Тадқиқтлар асосида муаллиф томонидан тайёрланған.

Товарларнинг тури камлиги, сифати ўртача, ўртача баҳо, ўртача харажат, сотиш сервиси йўлга қўйилган.	3 синф	3
Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юкори, сотиш сервиси талаб даражасида эмас.	4 синф	2
Товарларнинг тури камлиги, сифати паст, ўртача баҳо, харажат юкори, сотиш сервиси мавжуд эмас, талаб ўта кам.	5 синф	0
Бизнес обрўси		5
Қишлоқ хўжалик корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни юкори, бозордаги обрўси юкори, бренд таниқли	1 синф	5
Қишлоқ хўжалик корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни ўртача, бозорда ўз обрўсига эга, бренди харидорларга таниш	2 синф	4
Қишлоқ хўжалик корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни сезиларли ахамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас.	3 синф	3
Қишлоқ хўжалик корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни ахамиятга эга эмас, бренди харидорларга таниш эмас.	4 синф	2
Қишлоқ хўжалик корхонасининг соҳа ва тармоқдаги ўрни ахамиятга эга эмас, бозорда ўз обрўсига эга эмас, бренди мавжуд эмас.	5 синф	0
Умумий балл		100

Қишлоқ хўжалик корхоналаринг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг модели бўйича тўпланган жами балл 0 баллдан 200 баллгача оралиғда 5 та синфга бўлиб ўрганилади. З-жадвалда синфлар бўйича тўлиқ тафсилоти берилган.

### З-жадвал

#### Синфлар бўйича кредит ажратиш тартиби<sup>3</sup>

Синф	Қисқача изоҳ	Жами (балл)
1-синф	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилияти юқори. Ушбу корхоналарга кредит умумий тартибда имтиёзли асосда бериш мумкин.	146-200
2-синф	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилияти эга. Ушбу корхоналарга белгиланган тартибда кредит ажратиш мумкин.	106-145
3-синф	Бу тоифадаги корхоналар кредит тўлай олиш қобилияти эга эмас. Ушбу корхоналарга айрим ҳолатларда кредит ажратиш мумкин.	66-105
4-синф	Корхонанинг молиявий ҳолати барқарор эмас. Бу тоифадаги корхоналарда кредит риски жуда юқори ҳисобланади.	65 гача
5-синф	Ушбу тоифадаги корхоналарга кредит берилмайди.	0

Қишлоқ хўжалик корхоналаринг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделининг афзал жиҳатлари:

1. Ушбу модел қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигига аниқ, тўлиқ, кенг қамровли баҳолаш имкониятига эга.

2. Бошқа баҳолаш методларидан фарқли жиҳати тармоқ хусусияти ҳисобга олинганлиги.

3. Амалдаги баҳолашдан фарқли равишда кредитга лаёқатлилик ҳолати 5 та синф асосида амалга оширилади. Бу банклар томонидан корхоналарни кредитга лаёқатлилик ҳолати бўйича танлаш имкониятини оширади.

4. Кредитга лаёқатлиликтини баҳолаш мезон(критерий)ларини ҳисоблаш усуслари такомиллаштирилди, яъни аниқликни таъминлаш даражаси оширилди.

5. Халқаро тажрибалар эътиборга олинган ҳолда яратилди.

### Хулоса ва таклифлар

Республикамиз банклари амалиётида қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб баҳоловчи методика мавжуд эмас. Бу эса ушбу соҳага тижорат банклари томонидан жуда катта риск таъсирида кредит ажратиб келинмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредитларда муаммоли кредит ҳажмини ошишига олиб келмоқда. Ҳозирда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит ажратишда умумий методика бўйича коэффициентлар усулида учта коэффициентдан

<sup>3</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

фойдаланган ҳолда фақат молиявий жиҳатларига баҳо берилмоқда. Бу эса корхонанинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли ва тўлиқ баҳолаш имконини бермайди. Қолаверса ушбу коэффициентларни ҳисоблашдаги камчиликлар ушбу усулни янада ноаниқлик даражаси юқорилигини кўрсатиб беради. Ушбу коэффициентлар усулининг яна бир камчилик жиҳати тугалланган давр маълумотлари асосида баҳо бериб, кредитни келгуси даврга ажратилишидир. Бунда келгуси фаолиятини олдиндан башоратлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банклар томонидан эътибор қаратилмаётган, лекин эътибор қаратилиши муҳим яна бир жиҳат номолиявий кўрсаткичлардир. Номолиявий кўрсаткичлар корхоналарнинг келгуси фаолияти барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир. Юқоридаги мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, хориж тажрибасини мужассамлаштириб ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг тармоқ хусусиятини ҳисобга олиб Қишлоқ хўжалик корхоналаринг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини ишлаб чиқдик. Ушбу модел қишлоқ хўжалик корхоналарнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида кредитга лаёқатлилигини комплекс баҳолаш орқали кредит рискини минималлаштириш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Mirziyoev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo‘lini qat’iy davom ettiramiz. Yangi saylangan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning lavozimga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalari qo‘shma majlisidagi nutqi. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz>
2. Tijorat banklari kredit qo‘yilmalarining tarmoqlar bo‘yicha ulushi - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki (cbu.uz)
3. Jambekova R.L. Metodika sistemnoy ekonomicheskoy diagnostiki predpriyatiya. / Dis.... dr. ekon. Nauk., 2012. – 354 с.
4. Yendoviskiy D. A., Baxtin K. V., Kovtun D. V. (2016) Analiz kreditospособности организаций и групп компаний : учебное пособие.- М. : KNORUS, - 376 с.
5. Yendoviskiy D.A., Bocharova I.V. (2005) Analiz i otsenka kreditospособности заемщика. Учебно-практическое пособие. М. : KNORUS. - 272 с.
6. Liferenko G.N. (2005) Finansoviy analiz predriyatiya: Ucheb.posobie.- M.: Ekzamen, s. 160
7. Naumchenkova Yu. V. (2016) Otsenka kreditospособности заемщика. Teoriya i praktika sovremennoy nauki. № 5. s.5
8. Raximov M.Yu. (2015) Iqtisodiyot sub'ektlari moliyaviy holatining tahlili.O‘quv qo‘llanma.-T.: “Iqtisod-Moliya”, 392 b.

9. Mamatov B.Sh., Qulliev I.Ya., Pulatova M.B. (2016) O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklarida mijozlarning kreditga layoqatligini baholash amaliyotini takomillashtirish. Monografiya.-T.: Extremum-press, 112 b.
10. Patlasov O.Yu., Vasina N.V. (2013) Modeli otsenki kreditospособности заемщиков – сельскохозяйственных организаций. Finans i kredit, 39(567) – 2013.
11. Alireza Hooman, Govindan Marthandan, Wan Fadzilah Wan Yusoff, Mohana Omid and Sasan Karamizadeh. Statistical and data mining methods in credit scoring. // The Journal of Developing Areas. Vol. 50, No. 5, Special Issue on the Kuala Lumpur Conference, November 23-24, 2015 (2016), pp. 371-381 (11 pages).
12. ANNIE McCLANAHAN. Bad Credit: The Character of Credit Scoring. The Regents of the University of California. ISSN 0734-6018, electronic ISSN 1533-855X, pages 31–57. All rights reserved. Direct requests for permission to photocopy or reproduce article content to the University of California Press at <http://www.ucpressjournals.com/reprintinfo.asp>. DOI: 10.1525/rep.2014.126.3.31